QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«10» август 2021-y. №03-01/08-3618 «_____»-___________ 2021-j.

**Барлық район (қала)лық
халық билимлендириў бөлими
баслықларына**

**Республикалық улыўма орта
билимлендириў мәкемелери
директорларына**

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги тәрепинен 2021-жыл 6-август күни 164-саны менен кирис етилген, Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2021-жыл 16-июнь күнги ***"Халықтың физикалық таярлық дәрежесин баҳалаў системасын енгизиўдиң шөлкемлестириўшилик ис-илажлары ҳаққында"***ғы Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесиниң 2021-жыл 8-август күни 01-08/19-08/431-санлы баянламасы жиберилмекте.

Усы мүнәсибет пенен Сизлерден, жоқарыда келтирилген **баянламаны** тийисли қәнигелериңиз бенен биргеликте белгиленген тәртипте үйренип шығып, басшылыққа алыўыңызды ҳәм де басшылығыңыздағы барлық улыўма орта билим бериў мектеплерине жеткерилиўин ҳәм оның мазмун-әҳмийетин оқытыўшы ҳәм оқыўшыларға түсиндириў жумысларын алып барыўыңызды сондай-ақ, ***баянлама***да белгилеп берилген тийисли тапсырма ҳәм ўазыйпалардың өз ўақтында, сапалы орынланыўын жеке қадағалаўыңызға алыўыңызды сорайман.

*Қосымша______беттен ибарат*

**Министрдиң орынбасары** **Ш.Таджимуратов**

*Таярлаған: Б.Байниязов*
*Тел: 8-361-222-98-88, 97-222-98-88*
*E-mail: kr_yoshlik@mail.ru*

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha
yangiliklardan quyidagi havolalar
orqali xabardor bo'lishingiz mumkin

www.uzedu.uz t.me/uzedu facebook.com/uzedu instagram.com/uzedu.uz

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**
**_________ Қ.Сариев**
**"___" август 2021 йил**

01-08/19-08/431
05.08.2021 йил

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлисининг**
**БАЁНИ**

**Раислик қилувчи:** **Қ.Сариев** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси

**Р.Зарикеев** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

**Иштирок этганлар:** - Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги "Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5148-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида**

*(Сариев, Зарикеев, Кусекеев, Алланазаров, Сариев)*

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уларни оммавий ҳаракатга айлантириш, аҳолининг жисмоний қобилиятини аниқлаш ва рағбатлантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5148-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан, 2021 йил 1 августдан Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими жорий этилмоқда. Бунда:

Баҳолаш тизими бўйича спорт синовлари махсус ва ихтиёрий равишда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қатлами ва ундан катталарнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлайди;

Спорт синовлари 15 турдаги машқлардан иборат бўлади;

Иштирокчиларга 11 та ёш тоифаси бўйича эгаллаган ўрни ва даражасига қараб спорт разрядлари ва унвонлари берилади;

Спорт синовларини муваффақиятли топширган шахслар учун "Жисмоний тайёргарлик даражаси" кўкрак нишони таъсис этилади;

Шунингдек, улар ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб 1 йил мобайнида қуйидаги имтиёзлардан фойдаланади:

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тўловининг 50 фоизини чегирма билан тўлайди ва муддатли ҳарбий хизматга биринчилар қаторида устунлик билан юборилади;

махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) "Темурбеклар мактаби"га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга киради;

бепул тарзда давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марталик чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтади;

махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) умумий фойдаланишдаги давлат йўловчи ташиш шаҳар транспортида бепул ҳамда худудлараро ҳаракатланишда 50 фоиз чегирмали тўлов билан имтиёзли юриш ҳуқуқи берилади (такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно);

фарзандлари яшаётган жойдаги мактаб, боғча, шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилади;

барча давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларига иш жойи ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилади;

республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган имтиҳон (ОТМ спорт йўналишларидан ташқари), синов, амалий машғулотларда устунлик (имтиҳонда максимал балл ёки амалий машғулотлардан озод қилиниши) берилади.

2021 йил 1 августгача спорт синовларининг платформаси (www.jtdss.uz) ва ягона электрон базаси фаолияти йўлга қўйилади.

**Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама этилиб, мажлис қарор қилади:**

1. Кун тартибидаги масала юзасидан Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Р.Зарикеевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича худудий ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — худудий ишчи гуруҳи) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ҳудудий ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

туман (шаҳар)ларда жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш ва оммавий спортни кенг тарғиб қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

QR XALIQ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI
KIRIS № 164
"06" 08 2021 JIL

қишлоқ жойларда спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатлари, конкурсларни ташкил этиш орқали спорт синовлари тарғиботини ҳамда ўтказилишини ташкил этиш;

спорт синовларининг (ихтиёрий ва махсус талабларини бажарган) ғолибларини тақдирлаш ишларини тантанали равишда амалга ошириш;

спорт синовлари ўтказиладиган сана, ўтиш жойи, режаси ва шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон берилишини таъминлаш;

туман (шаҳар)ларда спорт синовларининг махсус талабларини бажариш учун алоҳида марказларни ташкил этиш ва зарур ҳолларда спорт синовларини ўтказиш учун хусусий шерикларни жалб этган ҳолда тегишли шарт-шароитларни яратиш;

зарур ҳолларда спорт синовларини такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Республика комиссиясига киритиш;

махсус спорт синовлари натижаларининг жойларда адолат ва шаффофликни таъминлаган ҳолда расмийлаштирилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5148-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва туман ҳокимликлари, барча давлат органлари ва ташкилотлари:

спорт синовларининг ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб борилишида аҳолининг барча қатламлари хоҳишларига қараб фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин;

спорт синовларини ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш ҳамда меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган «Спорт тарғиботчиси» ходимининг қисқа муддатли малака ошириши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

5. Мазкур мажлис баён қарори ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Р.Зарикеев зиммасига юклатилсин.

**Баёнлаштирган** **А.Отепов**

*Қорақалпоғистон Республикаси*
*Вазирлар Кенгашининг*
*2021 йил “ 05 ” августдаги*
*01-08/19-08/431-сонли мажлис баёнига*
*илова*

**Қорақалпоғистон Республикасида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳининг таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| Қ.Сариев | — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, *ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари* |
| Р.Зарикеев | — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи, *ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари* |
| С.Турманов | — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири |
| М.Курбанов | — | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири |
| Р.Реймов | — | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири |
| Қ.Турдиев | — | Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири |
| М.Юсупов | — | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бошлиғи |
| А.Темирханов | — | Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири |
| Ф.Шерматов | — | Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони |
| А.Давлетов | — | Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи |
| А.Данияров | — | Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи |
| У.Жалменов | — | Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси |
| *Лавозими бўйича* | — | Олий таълим муассасалари раҳбарлари |

*Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.*